
Сайёр қабуллар: муаммоларни ҳал қилишнинг самарали механизми

Қува туманидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида жойларда сектор раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан Қува тумани ҳокими Ҳалимжон Умаров иштирокида Сўфи МФЙ ҳудудидаги 13-муסיқа ва санъат мактабида “Сайёр қабул” ўтказилди. Ўтказилган қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува туманидаги Халқ қабулхонаси мудирини М.Мўйдинов, туман прокурорини О.Тошматов, туман ИИБ бошлиғини И.Хусанов ҳамда тумандаги идора ва ташкилот раҳбарларини иштирок этишди.

Қабул чоғида фуқароларнинг муурожаатлари бирма-бир тингланди. Очиқ ва самимий мулоқот тарзида кечган қабулда уй-жой, моддий ёрдам, бандлик, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, имтиёзли кредит олиш ва шу каби бошқа масалаларга оид муурожаатлар кўриб чиқилди.

Қабул давомида муурожаатлар масъуллар томонидан жойида ҳал этилиб, айрим муурожаатларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди.

2023-05-02 17:17:39